



ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнги йилларда энергетика бутун дунёда долзарб масалага айланиб бормоқда. Шу боис, саложиятчи давлатлар унинг муқобил йўлларини изламоқда. Бугун жаҳон энергетикасида "яшил энергетика" улуши қарийб 30 фоизга етган, айрим Европа давлатларида 80-90 фоиздан ошган.

Ўзбекистонда ҳам бу борада фаол иш олиб борилмоқда. Сўнги уч йилда энергетика соҳасига 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Хусусан, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қуёш электр станциялари ишга туширилди. Бу йил 18 та шундай станциялар барпо этилмоқда. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Умуман, энергетика масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва назоратида. Бу соҳада кўплаб лойиҳалар, ҳудудларга ташрифлар чоғида аниқ вазифалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Президентининг шу йил 16 февралдаги қарори билан қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш бўйича катта дастур қабул қилинди. Жумладан, "Яшил энергия" компанияси ташкил этилиб, унга дастлабки 10 миллион доллар йўналтирилди.

Мазкур дастурга қўра, жорий йилда тадбиркорлар, ижтимоий соҳа ва

аҳоли хонадонларида 1 минг 700 Мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатиш кўзда тутилган.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишларнинг ташкилий ва молиявий жиҳатлари юзасидан ахборот берди.

Хусусан, ижтимоий соҳа объеклари ва давлат идораларида 220 Мегаватт, тадбиркорлар томонидан 1 минг 300 Мегаватт ва янги қурилаётган кўп қаватли уйлар томида 15 Мегаватт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилиши айтилди. Бу борада Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Навоий ва Самарқандда фаол иш бошланган. Давлатимиз раҳбари жойларда ишларни тўғри ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда энергетиканинг бошқа йўналишларида қўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, жумладан, аҳолини табиий газ билан барқарор таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самардорлигини ошириш, газ сарфи юқори бўлган ишлаб чиқариш қувватларини кўмирга ўтказиш, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, мавжуд углеводород ҳомишеси конларини ривожлантириш ва янги-ларини ўзлаштириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

ЎЗА

ИНВЕСТИЦИЯ ВА САНОАТ СОҲАЛАРИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни инвестициялар жалб қилиш ва саноатни ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнги йилларда барча тармоқлардаги дастурларга 31 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натيجада ўтган 5 йилда саноат 1,4 баробар, экспорт 1,5 баробарга ошди.

Келгуси 5 йилда иқтисодиёт барқарор ўсиши учун саноатни яна 1,5 баробарга ошириш, экспорти 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун 120 миллиард доллар сармога, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестиция зарур.

Бунга инвестиция, саноат ва экспорт бўйича яхлит сиёсат юритиш орқали эришиш мумкин. Шу боис, "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони мувофиқ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда жаҳон молия бозорларидаги вазиятдан келиб чиқиб, соҳа олдидаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда 11 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, йirik инвесторлар билан манзилли ишлаш бўйича вазифалар белгиланди. Инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий дипломатияни ва чет элдаги дипломатия ваколатхоналар иштирокини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Адвокатлар палатаси ҳамда жамоатчиликнинг қўйидаги тақлифлари маъқуллансин: ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни жойлаштириш зарурлиги таъкидланди. Тўқимачилик, чарм, қурилиш материаллари, электр техникаси, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик каби тармоқларда янги маҳсулотларни ўзлаштириш, жаҳон брендларини олиб келиш орқали янги бозорларга чиқиш муҳимлиги айтилди.

Янги лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқиш ва инвесторларга тақдим этиш бўйича лойиҳа гуруҳларининг ишини фаоллаштириш топирилди.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви ва йўл инфратузилмаси дастурларидан келиб чиқиб, устувор лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолининг муҳтож қисмини

замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур кўрсаткичга эришиш доирасида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 2023 йилда муҳтож шахсларни хорижий технологиялар асосида тайёрланган сифатли замонавий оёқ протез-ортопедия буюмлари, шу жумладан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппарати билан бепул таъминласин.

3. Белгилансинки: а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий хулоса талаб қилиш бекор қилинади.

Бунда: фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронлигини белгилаш билан бир вақтда тегишли протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун тиббий хулоса тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан "Тиббий-ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизимига киритилади;

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ҚЎРҚУВСИЗ ЖАМИЯТ КУЧ-ҚУДРАТИ

эркин сўз ва озод ғоялар билан шаклланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида оммавий ахборот воситалари ҳақида билдирган фикрлари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.



Бизнинг авлод икки асрни кўрган одамлар. Бу даврда халқимиз икки тур давлат ва жамият бошқаруви ҳодисасига гувоҳ бўлди. Агар сўзини ўтган замон хулосаларига берсак, инсон психологияси ҳамisha кўрқувга мойил бўлгани ойдинлашади. Бу кўрқув руҳи "ақл билан" содир этилганда эса жамият қандай аянчли таназзулга юз тутишини, афсуски, кўрдик.

Бугун биз янги — халқчил давлат барпо этиш йўлида қайсики камчилики тузатиш учун курашар эканмиз, уларнинг барчаси ўша кўрқув руҳига ўралган жамият ҳосиласи бўлганини тобора чуқур англаб бораёмиз. Ниманики йўқотган бўлсак, халқ ва ҳокимият орасидаги алоқа йўқлиги туфайли йўқотганимизни ҳам тушундик.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ЎТИШНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

Шиддатли замонда яшаёпмиз. Эртага, ҳатто бугун нима содир бўлишини тахмин қилиш қийин. Глобал инқирозлар, иқтисодий ноаниқликлар ва юз бераётган геосиёсий вазият фондида энергия нархлари кескин ўсиши ва табиий ресурслар танқислиги ортиб бораётгани ҳам долзарб масалалардан бирига айланди. Бундай вазиятда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш самарали ечим экани,

иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳимлиги тобора ойдинлашмоқда. Бу, ўз навбатида, муқобил энергия истеъмолига талабни аниқ белгилаш, уни тўғри режалаштириш ва мустақил ишлаб чиқаришга бўлган жараёнларни жадал институционал татбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ

Давлатимиз раҳбари 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида маҳаллалар ҳаёти, таълим муассасалари ва саноат корхоналари фаолиятини кўздан кечирди. Тадбиркорлар ва аҳоли билан мулоқот қилди.



Президентимиз соҳалардаги ўзгаришларни юқори баҳолади. Воҳода янада юқори самарадорликка эришиш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, юқори қийматга эга лойиҳалар асосида бунёд этилган ишлаб чиқариш мажмуалари очилишида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг воҳага аввалги ташрифидан ҳозирги ташрифига қадар ўтган даврни таҳлил қиладиган бўлсак, биргина саноат йўналишида вилоятда 10,5 фоизлик ўсишга эришилди. Сўнги беш йилда 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Тадбиркорлар сони 2,5 баробар кўпайиб, қўшимча 325 минг иш ўрни яратилди. Илгари саноат ривожланмаган

8 туманда ишлаб чиқариш 2-3 баробар ортиб, вилоятдаги улуши 36 фоизга етди. Бундай ижобий кўрсаткичларни яна кўплаб келтириш мумкин.

2023 йилда 1,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва шу орқали 440 минг кишининг бандлигини таъминлаш белгиланган.

Президентимизнинг мазкур ташрифи мард ва танти, фидойи қашқадарёликлар ҳаётига кўтаринки руҳ бағишлади. Учрашувлар чоғида меҳнатлари эътироф этилган фидойилар, тадбиркор ва ташаббускорлар фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан танишишимиз мумкин.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти бир вақтнинг ўзида бир қатор глобал инкирозларни бошдан кечирмоқда. Аввалига пандемия миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди ва унинг оғир асоратлари ҳали-ҳануз жаҳон иқтисодиёти қаддини тиклашига тўсқинлик қилиб келяпти. Кейин бунга геосийсий можаролар қўшилди, табиий офатлар авж олди ва натижада глобал инкироз тобора чуқурлашиб борапти.

ДУНЁ РЕЙТИНГИ ВА ИНДЕКСЛАРИ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

— Дадил ислохотлар, креатив ёндашувлар тўғрисида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди, — деган эди ўтган йили ўтказилган анжуманлардан бирида ўша пайтдаги БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Ролли Астхана. — Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар кенгайтириш, мамлакатнинг дунё миқёсидаги ижобий имижини шаклланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳаларда ривожланиб, халқаро рейтингларда юқори ўринларга силжимоқда. Буларнинг барчаси ижобий кўрсаткич ва бизни қувонтиради.

Юртимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижини ва халқаро рейтинглардаги ўрни ҳақидаги бундай фикрлар ҳаммамизни мамнун этади. Лекин шу ўринда кўпчиллик яхши маълум бўлса-да, халқаро рейтинглар аслида нима учун зарурлигини яна бир қарра эслаб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

— Маълумотларга кўра, давлатлар мавқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекс бор, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев. — Улар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этади, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қўлай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгуси ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш кераки, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун кенг қўламли ислохотлар олиб бораётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар, албатта, халқаро рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий. Негаки, бугунги глобал дунёда ҳамкорлик ўрнатилиши истатилади бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэтироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади.

Минг афсуски, илгари мамлакатимиз баъзи бир рейтингларда умуман ўринга эга бўлмаган ёки қуйи погоналардан жой олиб келган. Сабаб эса бу борада изчил тизим ва фаолият олиб борувчи орган йўқ эди. 2020 йилга келибгина мамлакатимизнинг инвестициявий

Ўзбекистоннинг нуфузи ва ўрнини қандай баҳоляпти?

ва индекслар рўйхати шакллантирилди. Улар кенгашининг икки ишчи органи — Иқтисодиёт ва молия, Адлия вазирликлари ўртасида тақсимланди.

Ана шундай ишлар ва очиклик сиёсати олиб борилиши натижасида Ўзбекистон халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, хорижий аренада ишончли ҳамкор сифатида намоён бўляпти. Дунё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва инвесторлар мамлакатимизга истиқболли ҳамкор ўлароқ муносабат билдирмоқда.

Кенгашига кенг дунё

Бу халқимизнинг азалий ҳикматли ибораси. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз тузуқларида салтанат юмушларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан бажарганини ёзган. Ҳозирги кунда ҳам барча соҳадаги ишларни замонавий тамойилларга таянган ҳолда, кенгаш асосида амалга ошириш муҳим ўрин тутаяди.

— Президентимиз фармонига биноан, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлангани янги механизмларни жорий қилиш мақсадида республика кенгаши ташкил этилган эди, — дейди Олий Мажлис Сенати масъул ходими Отабек Иззатуллаев. — Унинг зиммасига, биринчи навбатда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган тўб ўзгаришларни юртимиз учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишни таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш каби вазифалар юклатилди.

Чора-тадбирлар режасида белги-ланган вазифалар ижросига кўра, 1 та стратегия, 5 та кодекс, 9 та қонун, 2 та концепция ва 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш

Президентимизнинг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

иқтисодий ва маъмурий самарадорлик” бўйича семинар-тренинглар ҳам ташкил этилди.

Энг юқори ривожланаётган мамлакатлар қаторида

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар 2 йилда бир марта ўтказадиган Электрон ҳукумат ривожланиши рейтингининг ўтган йилги натижаларига назар ташлайлик. Унда Ўзбекистон бир йўла 18 поғона кўтарилди ва “юқори-жузда юқори ривожланувчи” мамлакатлар қаторига кирди. Ҳолбуки, 2014 йилда 100-ўринда бўлган бўлса, ўтган йилга келиб 193 та давлат орасида 69-ўринни эгаллади. Шу тариқа Ўзбекистон энг катта поғона юқорилаган давлатлар топ-10 талигига кирди.

Жаҳон банки “GovTech Enablers” индексига кўра, рақамли кўникмалар ва давлат хизматларидаги инновациялар бўйича мамлакатимиз 2020 йилга нисбатан 65 поғона кўтарилди. Мазкур рейтинг натижаларига биноан, ҳукумат ва давлат хизматлари сектори бўйича Ўзбекистон 37 поғона юқорилаб, 198 давлат ичида рақамли трансформация соҳасида етакчи мамлакатларнинг “А” гуруҳидан жой олди.

Халқаро ташкилотларнинг ушбу эътирофлари юртимизда рақамли технологиялар ва электрон ҳукуматни ривожлантириш, бу орқали фуқароларга қўшимча қўлайликлар яратиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилаётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Яқинда газетамиз муҳбирига интервью берган Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори Азиз Муҳиддиновнинг таъкидлашича, мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожини тўғрисида йилдан-йилга ҳукумат, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида маълумотлар

даланувчилари сони кескин кўтарилиб, 4 миллиондан ошди (2022 йил бошида — 1,1 миллион). Хизматлардан онлайн фойдаланиш натижасида биргина 2022 йилда аҳолининг 36 миллиард сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинишига, давлат органлари фаолияти тўбдан яхшиланганига эришилди.

Барча ислохотлар ва йирик лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши зарур статистик маълумотларнинг аниқлиги ва уларнинг пухта таҳлил қилинишига бевосита боғлиқ бўлса, айни вақтда бу йўналишларда олиб борилаётган ишлар натижалари ҳам шу каби сон ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан баҳоланади. Хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимида Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлар тўпламлари эълон қилиб борилиши йўлга қўйилган.

— Бундан тўрт йил олдин юртимизнинг очик маълумотлар портали бўйи-

лики яқунлади. 2021 йилда мазкур кўрсаткичда республикамиз 99 та манба билан 5-поғонадан жой олган эди.

Ўтган йил таҳлилларига кўра, “Open Data Watch” ташкилотининг “The Open Data Inventory” (ODIN) маълумотлар очиклиги бўйича глобал рейтингда Ўзбекистон 66 балл билан дунёда 40-ўринни эгаллади. 2020 йилда мамлакатимиз 63 балл билан 44-ўринда эди.

Рейтингга кўра, Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингини “салбий”дан “барқарор”га, “Мудис” (Moody’s) агентлиги эса “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди. Республикаимизнинг иқтисодий ўзгаришлар йўлидаги муваффақиятининг яна бир тасдиғи — “Global Innovation Index” 2022 ҳисоботида биноан мамлакатимиз 132 мамлакат ичида 82-ўринни эгаллади.

“Global Innovation Index” АҚШнинг Корнел университети, Франциянинг “INSEAD” бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан

“ЖАҲОН БАНКИ “GOVTECH ENABLERS” ИНДЕКСИГА КўРА, РАҚАМЛИ КўНИКМАЛАР ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР БўЙИЧА МАМЛАКАТИМИЗ 2020 ЙИЛГА НИСБАТАН 65 ПОҒОНА КўТАРИЛДИ. МАЗКУР РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИГА БИНОАН, ҲУКУМАТ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СЕКТОРИ БўЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН 37 ПОҒОНА ЮҚОРИЛАБ, 198 ДАВЛАТ ИЧИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ СОҲАСИДА ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ “А” ГУРУҲИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

ча фикрларни ўрганганимизда жуда кўп салбий гапларни эшитган эдик, — дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурдаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи Ақром Сутонов. — Уша пайтда порталда 4 мингга яқин маълумотлар бўлиб, кўпи эскириб ҳам қолганди. Шунингдек, дунёдаги барча халқаро статистик ҳамда нуфузли ташкилотлар маълумотлар базаларини ўрганиб чиқдик. Уша пайтдаги таҳлилимизга кўра, уларда Ўзбекистон тўғрисида атиги 28 фоиз маълумот мавжудлиги аниқланди. Кейинги тўлдирини ва маълумотларни шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бу кўрсаткич 90 фоизга етказилди. Ҳозирги кунда мазкур порталда жами 150 га яқин вазирлик ва идоралар томонидан 6 мингдан ортиқ маълумотлар тўпламлари жойлаштирилган ва ўз вақтида янгиленмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ўзбекистон Халқаро очик маълумотлар хартиясига қўшилган жаҳондаги 23-мамлакат, Осиёда Жанубий Корея ва Филиппиндан кейинги учинчи давлат ҳисобланади. Бинобарин, Халқаро очик маълумотлар хартияси (Open Data Charter) 150 дан ортиқ ҳукумат ва ташкилотларнинг умумий тамойиллар асосида маълумотларни халқаро миқёсда очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш устида иш олиб боради.

Дунёдаги 2 минг 600 дан ортиқ очик маълумотлар порталларининг тўлиқ рўйхатини қамраб олган “Open data Insertion”нинг 2022 йилги таҳлилига кўра, дунёнинг 201 мамлакат орасида очик маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича Ўзбекистон 4-ўринни эгаллади. Биринчи ўрин АҚШ — 641 та манба, иккинчи ўрин Франция — 381 та, учинчи ўрин Испания — 307 та ва Ўзбекистон 124 та манба билан тўрт-

ўз ўрнини яхшилаб боришни коррупцияга қарши курашиш йўналишида қилинаётган ишларнинг ижобий самараси сифатида баҳолади.

“Шу билан бирга, ушбу рейтингдаги ўрнимизни яхшилаш ва умуман, жамиятда коррупцияни йўқ қилиш учун лоббизм, монополия ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, непотизм, ноқонуний бойлик орттириш, ҳоқимиятни суистеъмол қилиш ҳамда фаворитизм каби иллатларни бартараф қилиш ишларини тезлаштиришимиз талаб этилади”, дейди у.

Устувор рейтингларда қандай ўринлардамиз?

Халқаро рейтинглар ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши маълумотларига қараганда, олиб борилган ислохотлар натижасида 2022 йилда мамлакатимиз учун устувор бўлган 16 та рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилган.

Жумладан, суверен кредит рейтингларида ижобий тенденциялар кузатилиб, “Эс энд Пи” (“S&P”) халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз кредит рейтингини “салбий”дан “барқарор”га, “Мудис” (Moody’s) агентлиги эса “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди. Бертельсман жамғармасининг Барқарор ривожланиш мақсадлари индексидан юртимиз 165 мамлакат ичида 77-ўринни эгаллади.



Жаҳон одил судлов лойиҳаси ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индексида мамлакатимиз 7 поғона юқорилаб, 78-ўринга кўтарилди.

БМТнинг Санотани ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан юритиладиган Рақобатбардош санотат унумдорлиги индексида Ўзбекистон 154 мамлакат орасида 89-ўринни эгаллаб, ўтган йилга нисбатан ўз ўрнини 5 поғонага яхшилади.

БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон қамолоти индексида эса 191 мамлакат орасида 0,727 кўрсаткич (сўнгги ҳисоботга кўра, рейтинг баҳосини 0,007 кўрсаткичга яхшилади) билан 106-ўриндан 101-ўринга юқорилади, индекс методологиясига асосан, инсон тараққиётининг юқори даражаси таснифлагани ўрнини мустаҳкамлади.

“Чегара билмас муҳбирлар” ноҳукумат ташкилотининг Матбуот эркинлиги индексида Ўзбекистон 24 поғона кўтарилиб, 180 мамлакат орасида 133-ўриндан жой олди. Жаҳон мамлакатлари демократияси индексидан ўз ўрнини 5 поғонага яхшилашга эришган.


Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторлари таркибига кирувчи 6 та индикаторнинг барчасида ижобий ўзгаришлар кузатилади (213 та мамлакат орасида). Хусусан, сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги, ўзравонлик ва терроризмнинг йўқлиги индикаторида 19 поғонага, Ҳукумат самарадорлиги индикаторида 22, Аҳоли фикрини ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик индикаторида 12, Тартибга солиш индикаторида 33, Ҳуқуқ устуворлиги индикаторида 13, Коррупцияни тийиб туриш индикаторида 15 поғонага кўтарилган.

Инсон табиати шундай, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги турли рейтинг ва индексларда ҳам сарбанд ўринларда қўришни истаимиз. Бу орзу-ниятлар эса юқорида қайд этилганидек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини кўтариш учун тизимли ишлаш, ҳар бир соҳада тўб ўзгаришлар самарадорлигига эришиш, унга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш каби вазифаларни ўз вақтида бажариши тақозо этади.

“СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГЛАРИДА ИЖОБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР КУЗАТИЛИБ, “ЭС ЭНД ПИ” (“S&P”) ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗ КРЕДИТ РЕЙТИНГИНИ “САЛБИЙ”ДАН “БАРҚАРОР”ГА, “МУДИС” (MOODY’S) АГЕНТЛИГИ ЭСА “БАРҚАРОР”ДАН “ИЖОБИЙ”ГА ЎЗГАРТИРДИ.

жозибадорлиги ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида халқаро рейтинглар ва индекслар билан ишлашнинг ҳуқуқий, институционал ва ташкилий асослари яратила бошланди. Бунга эришишда Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш тўғрисида” ги фармонининг аҳамияти катта бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Халқаро рейтинглар ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Мамлакатимиз учун устувор бўлган 16 та халқаро рейтинг



кўзда тутилган бўлиб, шу кунга қадар 3 та қонун, Президентимизнинг 2 та қарори, 1 та фармони, Ҳукуматнинг 2 та қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ўтган йил 7 май куни Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг халқаро рейтингларга таъсири” мавзусидаги III халқаро рейтинглар форуми ўтказилди. Унинг доирасида “Давлат бошқарувида стратегия ва лойиҳалар ишлаб чиқиш учун халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш”, “Маҳаллий

алмашинуви тезлашиб, очиклик ва шаффофлик ортапти, рақамли тафовут қисқараяпти. Жумладан, 2022 йил давомида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (My.gov.uz) 70 дан зиёд янги онлайн хизмат ишга туширилиб, умумий электрон давлат хизматлари сони 377 тага етди. Уларнинг 240 тасидан бепул фойдаланиш имконияти мавжуд. Ўтган йили “My.gov.uz” хизматларида электрон фойдаланиш кўрсаткичи 12 миллиондан ошди ва бу офлайн тарзда фойдаланилганидан деярли 2 баробар кўпдир.

“My.gov.uz”нинг мобил иловасида ҳам 2022 йилда 50 турдаги янги онлайн хизмат жорий қилиниб, жама хизматлар сони 160 тага етди. 38 турдаги хизматдан фойдаланишда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилинди. Ўтган йил яқинда портал фой-

